



МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ГРУЗИЯ:

ДИПЛОМАТИЯНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Хар бир давлатнинг халқаро майдондаги нуфузи нафақат унинг иқтисодий салоҳияти ёки ҳарбий қудрати, балки ташқи сиёсатининг узоқни кўра билиши, дипломатиясининг маданияти ва миллий манфаатларни ҳимоя қилишдаги қатъияти билан ҳам белгиланади. Бугунги мураккаб ва тез ўзгараётган геосиёсий муҳитда давлатлар ўртасидаги мулоқот ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг Грузияга давлат ташрифи икки мамлакат муносабатлари тарихида янги босқични бошлаб берди. Мазкур ташриф нафақат дипломатик воқеа, балки Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги стратегик мулоқотнинг янги геосиёсий формати сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Расмий мулоқот чоғидаги суҳбатлардан маълумки, давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар энди алоҳида лойиҳалар эмас, балки стратегик шериклик даражасига кўтарилмоқда. Грузиянинг таниқли давлат арбоби ва дипломат Эдуард Шеварднадзе таъкидлаганидек, “Биз бутун дунё бўйлаб дўстлар изладик ва уларни топдик”. Бу фикр замирида замонавий дипломатиянинг энг муҳим фалсафаси – ишонч, мулоқот ва шериклик муҳасам. Тарихдан маълумки, дипломатия – бу фақат келишувлар эмас, балки келажакка қаратилган ишонч сармоясидир. Музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

► (Давоми 3-бетда)



ПАРЛАМЕНТДА

ИСЛОҲОТЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокамадан ўтказишди.

Даставвал, мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун билан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда “Адвокатура тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.

Лойиҳага кўра, жиноят иши судга фақат айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга киритилиши назарда тутилмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР



ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи ресурси ҳисобланган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқий онги ва сиёсий тафаккурини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустақамлашга қаратилган қатор лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириб келмоқда. Партиянинг Тошкент вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган “Сенатор ва депутатлар – ёшлар билан очиқ мулоқот” тадбири шулардан бири бўлди.

► (Давоми 4-бетда)

АКС-САДО

ЭРГАШУВЧИ ЭМАС, ЭРГАШТИРУВЧИ КУЧ

Тан олиш керакки, бугуннинг ёшлари эргашувчи эмас, эргаштирувчи кучга айланиб бормоқда. Ҳар қандай давлатнинг қудрати ва келажакги эса унинг ёшларга қаратаётган эътибори билан ўлчанади.

Бу ҳақиқат Президент Шавкат Мирзиёевнинг 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Олимпия шаҳарчасида ташкил этилган махсус кўргазмадаги учрашувида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Давлатимиз раҳбари у ерда мамлакатимизнинг фаол ва изланувчан ёшлари билан кўришиб, уларнинг маҳалла ҳаёти, экология, стартаплар, муҳандислик ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалари билан яқиндан танишди. Ташаббускор йигит-қизлар билан кечган очиқ ва самимий мулоқот мамлакатимизда ёшлар сиёсати том маънода янги, прагматик босқичга чиққанини намоён этади.

Эндilikда йигит-қизларимиз давлат кўмагига суянибгина қолмай, ўзлари ностандарт ечимлар, инновацион лойиҳалар ва оламшумул ташаббуслар яратётган чинакам драйвер куч сифатида майдонга чиқмоқда. Бунини учрашувда иштирок этган қаҳрамонларимизнинг юз-кўзидаги учқун ва қалбидаги улкан мақсадларидан ҳам илғаб олиш қийин эмас.

Хўш, бу учрашув ва мулоқот уларни қандай янги марралар сари руҳлантирди? Қуйида суҳбатдошларимизнинг дил сўзларига қулоқ тутамиз.

► (Давоми 3-бетда)

ФАРМОН ВА ИЖРО

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИНСОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

7

ПАРЛАМЕНТДА

ИСЛОҲОТЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МАЪҚУЛЛАНДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, ҳимоячиға дастлабки тергов ёки суриштирув якунланганидан кейин беш сутка ичида “ҳимоя фикри”ни тақдим этиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда. Ҳимоя фикрида айбловға муносабат, далиллар, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, судға қақирилиши сўралаётган шахслар ва бошқа фикрлар акс эттирилиши мумкин.

Қонун ижодкорларининг фикрича, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар суд муҳокамаларида тенгликни таъминлаш, судьянинг иш бўйича ҳар икки томон фикри билан олдиндан танишишиға имконият яратиш ҳамда одил судлов сифатини оширишға хизмат қилади.

Бундан ташқари, суд жараёнларида тортишув принципи мустақамланиб, адвокатнинг роли ва таъсири ортиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишға тайёрланиш жараёнида депутатлар билан ҳам маслаҳат, фракция йиғилишларида обдон муҳокама қилингани учун мажлисда бир овоздан маъқулланди.

Мажлисда иккинчи бўлиб мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хусусан, чет эл фуқароларининг мамлакатимиз иқтисодиётиға сармоя киритишини рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратишға қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Лойиҳада, шунингдек,

депутатлар дуал таълим тизимини ривожлантиришға қаратилган меъёрларни қўллаб-қувватлашди.

Фракция аъзоларининг фикрича, бундай ташаббус, аввало, дуал таълим билан шуғулланаётган аҳоли вакилларининг ижтимоий ҳимоясини яхшилашға хизмат қилади. Бундан ташқари, кадрлар малакасиға бевосита ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланди.

Мажлисда депутатлар мамлакатимизға кириб келадиған инвестиция оқимининг кўпайиши янги иш ўринлари яратилишиға, иқтисодий тараққиётнинг юксалишиға хизмат қилишини айтиб, қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллашди.

Йиғилишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасиға тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, якуний истеъмол муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини уларнинг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотиш учун қабул қилганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича жарималар миқдорини ошириш назарда тутиляпти.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳаси истеъмолчилар



асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

Бунда сувларнинг давлат ҳисобини юритиш, сув хўжалиги объектлари ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун

кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди. Лойиҳа Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг 111-сонли конвенцияси меъёрларини миллий қонунчиликка изчил жорий этишға қаратилган.

Унга кўра, Меҳнат кодексига меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш белгилари қатори “терисининг ранги” ва “сиёсий қарашлар” тушунчалари билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, меҳнат муносабатларида инсон шаъни ва кадр-қимматини таъминлаш, иш жойларида шахвоний шилқимликнинг олдини олишға қаратилган ҳуқуқий механизмларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Меҳнат кодексини меҳнат ва машғулотлар соҳасида шахвоний шилқимликка йўл қўймасликка оид янги норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Ташаббускор депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишиға, халқаро меҳнат стандартларига содиқликни амалда намоён этишға, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини янада мустақамлашға хизмат қилади.

Мажлисда депутатлар “Лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуниға ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини атрофлича мувофиқ ўтказишди.

Юртимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги нуфузини янада мустақамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар йилдан-йилға ортиб бормоқда. Ўзбек тили мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб бориб, халқаро майдонда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Тарихдан маълумки, ҳар бир тил тилшунослар томонидан даврга мосланиб тақомилиға етказиб борилади. Шу муносабат билан лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари асосида тақомиллаштириш зарурати юзаға келди.

Қонун лойиҳаси билан

лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмаси ўрниға 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан ташкил топиши, шунингдек, айрим ҳарфларнинг қўлланилишиға аниқлик киритилиши назарда тутилмоқда.

Узоқ давом этган муҳокамалар давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг амалиётда самарали ва босқичма-босқич жорий этилишини таъминлашға қаратилган қатор таклифлар билдирилди.

Масалан, қонун кучға киргуниға қадар расмийлаштирилган ҳужжатлар, миллий валюта ва қимматли қоғозларнинг амал қилиши сақлаб қолиниши, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг рамзий белгилари, пешлавҳа ва кўрсаткичлари ҳамда бошқа атрибутлардан белгиланган муддатгача фойдаланиш тартиби назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу ёндашув давлат органлари ва ташкилотларида амалда фойдаланилаётган ҳужжатлар, бланкалар, пешлавҳалар, кўрсаткичлар ва бошқа моддий воситаларни бир вақтнинг ўзида алмаштириш заруратини бартараф этади. Натижада давлат бюджети маблағлари асоссиз сарфланишининг олди олинади, қўшимча давлат харажатлари юзаға келишиға йўл қўйилмайди ҳамда алифбодаги ўзгаришларни амалға ошириш молиявий жиҳатдан макбул, босқичма-босқич тартибда таъминланади.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини ва имло қоидаларини янада тақомиллаштиришға ҳамда давлат тилини қўллаш ва рақамлаштириш имкониятларини янада кенгайтиришға хизмат қилади.

Халқ вакиллари кун тартибидаги ҳар бир қонун лойиҳасини атрофлича муҳокамаларни ўтказишди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси дастурий мақсадларига мувофиқ келадиған қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.

А.ҚУРБОНОВ
тайёрлади.



мамлакатимизда дуал таълим тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи меъёрлар ўрин олган.

Қайд этилишича, қонун лойиҳасида кўзда тутилган солиқ маъмуричилигини соддалаштириш, хусусан, чет эл фуқаролари учун махсус солиқ режимининг жорий қилиниши уларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олган даромадларини солиқдан озод қилиш имконини беради. Бу эса, мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун янада жозибадор муҳит яратишға хизмат қилади.

Шунингдек, лойиҳада sanoat корхоналарида дуал таълим шаклида тахсил олаётган ходимлар учун ижтимоий солиқ ставкаси 2030 йил 1 январға қадар бўлган даврда икки баравар камайтирилиб, амалдаги 12 фоиздан 6 фоизға туширилиши миллий иқтисодиёт учун зарур бўлган малакали кадрларни дуал таълим орқали тайёрлашни рағбатлантиришға хизмат қилади.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракциясида муҳокама қилинганида

ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилик муддатига оид талабларға қатъий риоя этилишини таъминлаш, аҳоли саломатлиги ва ҳаётига хавф солувчи ҳолатларнинг олдини олишға хизмат қилади.

Мажлисда Сув кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишға қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Унга кўра, сувдан фойдаланиш бўйича тузилаётган шартномаларни электрон шаклда юритиш, сув хўжалиги объектларини тўғридан тўғри давлат-хусусий шериклик тамойили асосида хусусий сектор бошқарувиға бериш тизимини тақомиллаштириш белгиланмоқда.

Қонун ижодкорларининг фикрича, қонун лойиҳаси сувдан фойдаланиш тартиб-таомилларини рақамлаштириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шерикликка беришининг шаффофлигини таъминлашға хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи

““

**ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ КУН
ТАРТИБИДАГИ ҲАР БИР
ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ
АТРОФЛИЧА
МУҲОКАМАДАН
ЎТКАЗИШДИ.
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
ФРАКЦИЯСИ ДАСТУРИЙ
МАҚСАДЛАРИГА
МУВОФИҚ
КЕЛАДИГАН ҚОНУН
ЛОЙИҲАЛАРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ.**

жавобгарликни бевосита масъул шахсларға нисбатан қўллаш кўзда тутилмоқда.

Ҳуқуқбузарлик мансабдор шахс томонидан содир этилган ҳолатларда нисбатан қатъийроқ жавобгарлик чораларини белгилаш ҳамда такроран содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жарималар миқдорини ошириш таклиф қилинмоқда.

Депутатлар сувға бўлган муносабатни ўзгартириш, ундан оқилона фойдаланиш, тизимни рақамлаштириш бугунги кун талаби эканини таъкидлаб, қонун лойиҳасини маъқуллашди.

Шу кун яна бир қонун лойиҳаси бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан киритилди. Бу “Халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН – ГРУЗИЯ:

ДИПЛОМАТИЯНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ



Махфуза ЮЛДАШЕВА, Тошкент давлат иқтисодийёт университети доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, (PhD)

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимида иқтисодий дипломатия давлат ташқи сиёсатининг ҳал қилувчи воситасига айланиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг 270 миллион АҚШ долларига етгани, қўшма корхоналар сонининг ортиб бораётгани ва Грузиянинг етакчи рақамли банки ТБС Вапкнинг Ўзбекистон бозорида муваффақиятли фаолият юритаётгани ўзаро ишончнинг иқтисодий ифодасидир. Шунингдек, Тошкент–Тбилиси ва Тошкент–Батуми ўртасидаги тўғридан-тўғри авиақатновлар, Тошкент шаҳрида ўтказилган Грузия маданияти кунлари халқ дипломатиясининг ҳам тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Грузия халқларини нафақат дипломатик муносабатлар, балки чуқур тарихий ва маданий ришталар ҳам боғлаб туради. Бунинг рамзий ифодаси сифатида Тошкент шаҳрининг марказий ва энг гавжум кўчаларидан бири буюк грузин мутафаккири ва “Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон” дея аталувчи шоир- Шота

Руставели номи билан аталиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу нафақат буюк адиб хотирасига билдирилган эҳтиром, балки халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, маънавий яқинлик ва кўп йиллик дўстлик муносабатларининг ёрқин тимсолидир. Тбилисида эса Ўзбекистонга нисбатан шаклланган самимий муносабатлар – дипломатия фақат расмий музокаралардан иборат эмаслигини, унинг энг мустаҳкам пойдевори халқлар хотираси, маданий мерос ва ўзаро ҳурмат эканини англатади. Давлатлар ўртасидаги стратегик шериклик, аввало, халқлар қалбидаги ишончдан бошланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи доирасида Тбилиси шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиши Ўзбекистон – Грузия муносабатлари тарихида алоҳида саҳифа бўлди. Бу воқеа икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик фақат иқтисодий ва сиёсий манфаатлар билан чекланмасдан, умуминсоний қадриятлар, маданий мерос ва маънавий яқинликка ҳам таянаётганининг ёрқин ифодасидир.

Адабиёт, маданият, таълим ва туризм орқали шаклланган ишонч баъзан ҳар қандай сиёсий келишувдан узоқ умр кўради.

Музокараларда фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, рақамли технологиялар ва туризм соҳалари ҳам икки давлат ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари сифатида белгиланди. Бу эса ҳамкорликнинг тор иқтисодий манфаатлар доирасидан чиқиб, инновацион тараққиёт ва барқарор ривожланиш стратегиясига айланаётганини кўрсатади.

Айниқса, Поти ва Батуми портлари имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали ташқи савдо ҳажмини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган стратегик аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Қора денгиз орқали Европа бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш,

транспорт йўлакларини диверсификация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг ташқи бозорларга интеграциясини чуқурлаштиришга хизмат қилади. XXI асрда транспорт йўлаклари иқтисодий инфратузилма эмас, балки ташқи сиёсат воситасига айланди. Ким логистика занжирларини бошқарса, у иқтисодий таъсирни ҳам шакллантиради. Шу маънода Поти ва Батуми портлари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги геоиқтисодий имкониятларидир.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, ишбилармон доиралар, туризм ва гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида урғу бердилар. Зеро, замонавий дипломатиянинг муваффақияти фақат давлат раҳбарлари музокаралари билан эмас, балки халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва инсон капиталига таянади.

Бугун Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчиси, ишончли ҳамкор ва минтақавий барқарорлик ташаббускори сифатида эътироф этилмоқда. Грузия билан муносабатларнинг фаоллашуви ҳам айнан шу прагматик ташқи сиёсатнинг мантиқий давомидир. Зеро, Грузия Қора денгиз орқали Европага чиқиш эшиги бўлса, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг иқтисодий ва логистик марказларидан бири сифатида янги транспорт йўлакларининг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Бу эса икки давлат манфаатларининг муштарак нуқталарини янада яқинлаштиради.

Замонавий дунёда геосиёсий рақобатнинг тобора иқтисодий рақобатга айланиб бориши ҳолатлари кузатилади. Энди давлатларнинг қудрати фақат ресурслар билан эмас, балки логистика, транспорт коридорлари, инвестиция муҳити ва ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлиги билан ўлчанади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур ташрифи яна бир муҳим ҳақиқатни намоён



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ДАВЛАТ ТАШРИФИ ДОИРАСИДА ТБИЛИСИ ШАҲРИДА БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЙКАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ ЎЗБЕКИСТОН – ГРУЗИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДА АЛОҲИДА САҲИФА БЎЛДИ. БУ ВОҚЕА ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ МАНФААТЛАР БИЛАН ЧЕКЛАНМАСДАН, УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР, МАДАНИЙ МЕРОС ВА МАЪНАВИЙ ЯҚИНЛИККА ҲАМ ТАЯНАЁТГАНИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР.

қилди: бугунги дипломатия – келишувлар имзолаш билангина чекланмайди. У халқларни яқинлаштиради, сармоя учун ишонч муҳитини яратади, тадбиркор учун янги бозор очади, олим учун илмий ҳамкорлик имкониятини кенгайтиради, ёшлар учун эса келажакка янги уфқларни очади. Таъкидлаш жоизки, бугун ташқи сиёсат миллий тараққиётнинг муҳим драйверига айланиб улгурган. Давлат раҳбарининг хорижга ҳар бир ташрифи мамлакат иқтисодиётига инвестиция, ташқи савдо ҳажмининг ўсиши, янги иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган аниқ стратегик мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бугунги дипломатия – бу мулоқот маданияти, эртанги тараққиёт эса ана шу мулоқотнинг самарасидир. Ўзбекистон айнан шу тамойил асосида ўз ташқи сиёсатини олиб бораёпти. Шунини эътироф этиб ўтиш жоизки, бу сиёсат нафақат миллий манфаатларни ҳимоя қилади, балки мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятнинг ишончли ва масъулиятли шериги сифатида мустаҳкамлайди. Ҳар қандай стратегик шерикликнинг пойдевори иқтисодий шартномалар эмас, балки ишонч архитектурасидир. Президентлар мулоқоти ана шу архитектуранинг мустаҳкам устунларини барпо этмоқда.

Президентимизнинг Грузияга расмий ташрифи

ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси бўлиб, у икки давлат муносабатларида янги босқични бошлаб бериши, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириши ва Янги Ўзбекистон дипломатиясининг навбатдаги муваффақияти сифатида тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаши шубҳасиз. Ушбу ташрифни навбатдаги дипломатик босқич эмас, балки Марказий Осиё ва Жанубий Кавказни ўзаро боғловчи стратегик кўприкни янада мустаҳкамлашга қаратилган узоқни кўзлаган сиёсий қадам дея атаган бўлар эдим. Давлатлар чегаралар орқали ажралади, аммо манфаатлар ва ишонч орқали яқинлашади. Бугун Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ана шундай ишончли ва ўзаро маанфатларга асосланган ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб бормоқда.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати бугун миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан бирга мамлакатимизни Евроосиё геосиёсий маконида ишончли, масъулиятли ва ташаббускор ҳамкор сифатида намоён этиб келаяпти. Бу, албатта, қувонарли ҳолат! Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги имиджи халқаро кузатувчилар томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. Бу эса давлат раҳбари юритаётган прагматик ва очик ташқи сиёсатнинг энг муҳим ютуғи сифатида эътироф этилади.

АКС-САДО

ЭРГАШУВЧИ ЭМАС, ЭРГАШТИРУВЧИ КУЧ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Гулираъно МАМИРОВА, “Яшил ташаббуслар” жамғармаси координатори, Green University магистранти:

— Давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган учрашув ҳаётимда бурилиш ясаган, елкамга эса масъулият юклаган энг унутилмас воқеалардан бири бўлди. Кўргазмада жамоамиз билан биргаликда яратган “Clear Boat” (Тозаловчи қайиқ) экологик инновацион лойиҳамизни тақдим этдик.

Аслида, нега айнан шу соҳани, яъни яшил иқтисодиёт ва экология йўналишини танладим? Табиатга меҳрим болалигимдаёқ уйғонган. Кейинчалик эса олий таълимдаги илмий фаолиятимни бевосита экологик муаммоларнинг иқтисодиётга таъсирини чуқурроқ ўрганишга бағишладим.

Бугун юртимизда яшил иқтисодиётни ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ёшларнинг экологик стартапларини қўллаб-қувватлаш бўйича қилинаётган ишлар бунинг яққол тисолидир. Давлатимиз раҳбари ғояси асосида ташкил этилган “Яшил ташаббуслар” жамғармаси ҳам айнан шу ислохотларнинг амалий давоми бўлди.

Тўғри, ёш бўлишимизга қарамай бундай йирик стартапларни йўлга қўйишда ўзига яраша қийинчиликлар бўлди. Ҳар қандай янги ғоя, энг аввало, ишонч ва жасоратни талаб қилади. Аммо кучли жамоамиз, етук мутахассислар кўмаги ва давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар туфайли барча тўсиқларни енгиб ўтдик. Бир йилга ҳам етмаган вақт ичида жамғармамизга йигит-қизларимиз томонидан мингдан ортиқ экологик ишланмалар келиб тушди. Бу рақам нафақат ёшларимизнинг салоҳияти юқори эканини, балки уларнинг овози эшитилиб, ғояларига ишонч билдирилаётганини ҳам яққол тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда Green University магистратурасида

“Барқарор молия” йўналишида таҳсил оляпман. Бу ерда яшил инвестициялар, иқлим молияси, ESG тамойиллари ва экологик лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини чуқур ўрганмоқдамиз. Олган билимларимни жамғарма фаолиятида бевосита қўллашга ҳаракат қиляпман. Асосий мақсадимиз — экологик ғояларни фақатгина илмий лойиҳа сифатида қолдирмай, балки иқтисодий жиҳатдан барқарор ва инвесторлар учун жозибадор ташаббусларга айлантиришдир.

■ КЕЛГУСИДА “ЯШИЛ ТАШАББУСЛАР” ЖАМҒАРМАСИНИ ЭКОЛОГИК ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИГАН НУФУЗЛИ ПЛАТФОРМАГА АЙЛАНТИРИШ, ҲУДУДЛАРДА ЯШИЛ СТАРТАПЛАР ЭКОТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ВА ЁШ ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИ ЎЗ ОЛДИМИЗГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚўЙГАНМИЗ.

Ишончим комилки, бу сазъи-ҳаракатларимиз орқали ёшларга берилаётган юксак ишончни оқлаб, Ўзбекистонни янада яшил ҳамда барқарор давлатга айлантиришга ўз хиссамизни қўшамиз.



Равшан БУРХАНОВ, “Gutenberg” нашриёт уйи раҳбари:

— Ёшлар куни муносабати билан Олимпия шаҳарчасида ташкил этилган кўргазма «Gutenberg» нашриёти учун чин маънода тарихий ва унутилмас кунга айланди. Шу пайтга қадар бирорта ёш ношир ўз лойиҳасини давлатимиз раҳбарига бевосита тақдим этмаган эди. Мен биринчилардан бўлиб мана шундай бахтга эришганимдан фахрланаман.

Бизнес адабиётларига ихтисослашган нашриётимиз бугунги кунда дунёнинг энг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, Стэнфорд университети профессори Илья Стребулаев билан ҳамкорликда «Венчур зехнияти» асарини ўзбек тилида чоп этдик. Ушбу китоб китобхонларимиз томонидан жуда катта қизиқиш билан қўтиб олиниб, биринчи ойнинг ўзида 10 минг нусха, иккинчи ойда эса 5 минг нусхада сотилди. Ҳозирда “Минг

китоб” лойиҳаси доирасида ҳам энг сара илмий-оммабоп асарларни она тилимизга таржима қилиш устида фаол ишлаяпмиз.

Президентимиз қарори билан Миллий китобхонликни ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши соҳада туб бурилиш ясади. Мазкур жамғарма биз каби ёш ижодкор ва ноширларни қўллаб-қувватлашда катта кўмак бермоқда. Биз хорижий нашриётлар ва муаллифлардан ҳуқуқ сотиб олганимизда, жамғарма ушбу бадал пулларининг ярмини тўлаб бераяпти. Бундан ташқари, таржимон ва муҳаррирлар хизмат ҳақининг маълум бир қисми ҳам ушбу жамғарма томонидан қоплаб берилмоқда.

Бундай тизимли имтиёзлар китобнинг таннархини сезиларли даражада қисқартиради. Натижада бозорга сифатли, мазмунли ва энг муҳими, арзонроқ китобларни кўпроқ ҳажмда чиқариш имкониятини яратади.

■ БИЗ ОЛДИМИЗГА ЖУДА КАТТА МАҚСАД ҚўЙГАНМИЗ: “GUTENBERG” НАШРИЁТИНИ НАОАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС АДАБИЁТИ СОҲАСИДА 1-РАҚАМЛИ БРЕНДГА АЙЛАНТИРИШ, БАЛКИ ГЛОБАЛ МИКЁСДА РАҚОБАТБАРДОШ, ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ НАШРИЁТ ДАРАЖАСИГА ОЛИБ ЧИҚИШДИР.

Янги Ўзбекистонни илм ва мутолаа орқали биргаликда бунёд этамиз.

Азим АХТАМОВ



ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ёшларнинг фикр ва ташаббусларини тинглаш, уларни қийнаётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш мақсадини кўзлаган ушбу тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент вилоят кенгаши масъул ходимлари, вилоятдаги 22 та туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг ўрни ва иштироки тобора ортиб бормоқда, – дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Акмал Умаралиев**. – Ёш авлоднинг билимли, ташаббускор, ватанпарвар, юксак ҳуқуқий маданият ва фуқаролик масъулиятига эга инсонлар бўлиб вояга етиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда юртимизда уларнинг сифатли таълим олиши, муносиб меҳнат қилиши, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлар ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, жамият фаровонлиги ва давлатнинг эртанги кuni, аввало, билимли, ташаббускор ва масъулиятли ёшларга боғлиқ. Шу боис уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, қонун ижодкорлигига қизиқиши, жамият ҳаётидаги фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш айнаи заруратдир.

– Бугунги учрашув ёшларимиз билан очик ва самимий мулоқот қилиш, уларнинг таклиф ва ташаббусларига қулоқ тутиш учун ўзига хос мулоқот майдони бўлди, – дейди **Олий Мажлис Сенати аъзоси Малика Қодирхонова**. – Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим таянчи – бу билимли, ташаббускор, ватанпарвар ва юксак маънавиятли ёшлардир. Шу боис мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати мутлақо янги босқичга кўтарилди. Ёшларнинг сифатли таълим олиши, муносиб иш ўрнига эга бўлиши, тadbиркорлик билан шуғулланиши, ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Юртимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Бу нафақат катта масъулият, балки улкан имконият ҳамдир. Чунки юрт келажагини айнан интилувчан ва халқ тақдирига бефарқ бўлмаган ёшлар барпо этади. Ҳозирги тезкор ва глобаллашув даври ёшлардан фақат яхши мутахассис бўлиши эмас, балки мустақил фикрлайдиган, ҳуқуқий билимга эга, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган фуқаро бўлиши ҳам талаб қилмоқда.

Ҳуқуқий маданият ва сиёсий фаоллик – демократик жамиятнинг муҳим шартлари. Қонунларни билиш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ҳар бир ёшнинг фуқаролик бурчидир. Шу маънода, бугунги очик мулоқот ҳам сизларнинг таклифларингизни тинглаш, муаммоларингизни ўрганиш ва уларга биргаликда ечим топишга қаратилган.

Сенат аъзоси сифатида ҳудудларга чиққанимизда ёшлар билан мунтазам мулоқот қиламиз. Учрашувларда таълим, бандлик, тadbиркорлик, уй-жой,

касб-хунар эгаллаш, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар кўтарилди. Энг муҳими, бугунги ёшлар ўз фикрига эга, ташаббускор. Бу эса биз учун қувонарли ҳолатдир.

Ёшларга маслаҳатим: яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланинг. Китоб ўқинг, чет тилларини ўрганинг, замонавий касбларни эгалланг, рақамли технологияларни чуқур ўзлаштиринг. Илм ва билимга сарфланган ҳар бир кун келажақда ўз самарасини беради. Шу билан бирга, Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик каби фазилатларни ҳамиша асраб-авайланг. Ана шунда сиз нафақат ўз оилангиз, балки халқимиз ва давлатимиз учун ҳам муносиб фарзанд бўлиб етишасиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қизилгул

сингари тadbирлар халқ вакиллари билан ёшлар ўртасидаги ўзаро ишонч кўпригини янада мустаҳкамлайди, – дейди депутат Қ. Қосимова. – Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохотлар марказида инсон қадри турибди. Бу ислохотларда ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб таълим олиши, иш билан таъминланиши ва ўз иқтидорини рўёбга чиқаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қонунчилик палатаси депутати сифатида биз қабул қилаётган ҳар бир қонуннинг ҳаётдаги амалий самарасига, айниқса, ёшлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатишига диққат қаратамиз. Зеро, қабул қилинаётган қонунлар ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, уларнинг имкониятларини кенгайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиши лозим.

Мен ёшларни фақат томошабин эмас, балки мамлакатимиз тараққиётининг фаол иштирокчилари бўлишга чақираман. Маҳалла ҳаётида, жамоат ишларида, экологик ва ижтимоий лойиҳаларда, ёшлар ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этиш орқали фуқаролик позицияси шаклланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи Мухсиддин Низомиддинов партиянинг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий вазифалари, "Ёшлар қаноти" фаолияти ҳамда ёшларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

– Партиямиз учун ёшлар фақат келажақ эмас, балки бугунги ислохотлар натижадорлигини кафолатлайдиган қатлам саналади, – дейди М. Низомиддинов. – Уларнинг

ва инсонпарварлик каби фазилатлар ҳар қандай тараққиётнинг маънавий пойдевори эканини унутмаслигимиз лозим.

Очик мулоқот давомида ёшларни қизиқтирган қатор масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, таълим сифатини ошириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлардан фойдаланиш, ижтимоий ҳимоя, рақамли технологиялар соҳасидаги имкониятлар, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятида иштирок этиш каби мавзулар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Сенаторлар ва депутатлар ёшларнинг барча саволларига батафсил жавоб бериб, қонунчиликда назарда тутилган имкониятлар ҳақида маълумотлар тақдим этдилар. Шунингдек, ёшлар томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар алоҳида қайд этилиб, уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан тегишли масъулларга тавсиялар берилди.

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий вазифалари, бу жараёнда ёшларнинг иштироки ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам урғу берилди. Қайд этилганидек, партиянинг "Ёшлар қаноти" бугун нафақат сиёсий фаоллик мактаби, балки ташаббускор, етакчи ва масъулиятли ёшларни тарбиялашга хизмат қилаётган муҳим майдонга айланмоқда.

Тadbир давомида ёшлар ўзларининг лойиҳалари, ўялари ва ташаббусларини тақдим этиш имконига эга бўлдилар. Уларнинг бандлик, экологик маданият, ижтимоий ҳимоя, таълим ва инновациялар соҳасидаги таклифлари иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди. Бу эса ёшларнинг мамлакат тараққиётига дахлдорлик ҳисси ва фуқаролик масъулияти тобора ортиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Мулоқот расмий чиқишлар билан чекланиб қолмади. Ёшлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича эркин фикр билдириб, амалий таклифларини баён этдилар. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги очиклик, ошқоралик ва ўзаро ишонч тамойилларининг амалий ифодаси бўлди.

Тadbир якунида жамоат ишларида фаол иштирок этаётган, партия фаолиятида ташаббускорлиги билан ажралиб турган бир гуруҳ ёшлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилаётган бундай очик мулоқотлар ёшларнинг орзу-интилишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда амалий аҳамият касб этмоқда. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг овозини эшитиш ва эзгу ғоя-мақсадларини қўллаб-қувватлаш эса Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги энг муҳим омиллардан биридир.

Малоҳат ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим бошлиғи.



Қосимова эса ўз чиқишида парламент фаолияти, депутатларнинг сайловчилар билан ишлаш тизими, қонун ижодкорлиги жараёни ҳамда ёшларнинг қонунчилик ташаббусларидаги иштирокини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

– Бугунги очик мулоқот

“

ҚАЙД ЭТИЛГАНИДЕК, ПАРТИЯНИНГ "ЁШЛАР ҚАНОТИ" БУГУН НАФАҚАТ СИЁСИЙ ФАОЛЛИК МАКТАБИ, БАЛКИ ТАШАББУСКОР, ЕТАКЧИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МУҲИМ МАЙДОНГА АЙЛАНМОҚДА.

Бугун ёшлар учун яратилган имкониятлар анча кенгайди. Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари, замонавий олий таълим тизими, "Ёшлар дафтари", тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари, имтиёзли кредитлар ва грантлар — буларнинг барчаси ёшларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун хизмат қилмоқда. Бироқ имкониятнинг ўзи етарли эмас. Ундан самарали фойдаланиш ҳам муҳим. Шу маънода ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, чет тилларини пухта ўрганиш, замонавий касб ва рақамли технологияларни эгаллаш тизимини янада такомиллаштириш лозим. Зеро, замон шиддат билан ўзгармоқда, рақобат кучаймоқда. Бу шароитда билим ва малака энг катта бойлик ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси жамиятда ижтимоий адолат, тенг имкониятларни қарор топтириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш тарафдоридир. Бу вазифаларни амалга оширишда ёшларнинг иштироки биз учун жуда муҳим.

Ёшларнинг фикри, таклифлари ва ташаббуслари қонунчилик фаолиятида ҳам устувор аҳамиятга эга. Шунинг учун бундай учрашувлар давомида билдирилган ҳар бир таклиф эътибор билан ўрганилади ва зарур ҳолларда қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида инobatга олинади.

ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий билимларини ошириш, етакчилик салоҳиятини ривожлантириш ва жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтиришга қаратилган лойиҳалар ва амалий ишлар суръати ошса ошсинки, асло сусаймаслиги шарт. Тўғри, ёшларимиз учун бекиёс имкониятлар тақдим қилинмоқда. Аммо ҳар қандай имконият масъулият билан бирга келади. Яъни берилаётган эътибор ва имкониятларга яраша ёшларимиз доимий изланиши, ўз устида ишлаши, билим ва малакасини ошириб бориши лозим.

ХДПнинг "Ёшлар қаноти" бугун минглаб фаол ёшларни бирлаштирган бўлиб, у орқали ука-сингилларимиз нафақат сиёсий билимларга эга бўлмоқда, балки жамоатчилик билан ишлаш, ташаббус кўрсатиш, лойиҳаларни бошқариш ва етакчилик қобилиятини ривожлантириш кўникмаларини ҳам шакллантирмоқда.

Янги технологиялар, сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт ва инновациялар даврида рақобатга бардошли бўлиш учун ёшлардан замонавий билим, чет тилларини билиш, ахборот технологиялари ва касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориш талаб этилади. Шу билан бирга, миллий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик

ФАРМОН ВА ИЖРО

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Республикамизда барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилишга ҳам изчил эътибор қаратилмоқда. Тараққий этган давлатлар сафида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган ислохотлар доирасида суд ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, одил судлов сифатини ошириш ҳамда суд органлари фаолиятида очиклик ва шаффофликни кучайтириш муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий мазмунини ташкил этмоқда.



маълумотларнинг очиклигини таъминлаш ва улардан кенг жамоатчилик фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда уни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Ҳуқуқий давлат қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси ҳамда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мустақиллиги билан тавсифланади. Шу маънода, суд ислохотлари ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим ҳуқуқий-ташкилий механизми ҳисобланади. Чунки, суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони конституциявий одил судлов самарадорлигини оширишга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли суд ҳимояси билан таъминлашга, барча ҳуқуқ субъектлари учун Конституциянинг сўзсиз устуворлигини кафолатлашга, шунингдек, Конституциявий суд фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш орқали унинг жараёнларида шаффофлик ва очикликни таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни назарда тутди. Замонавий ҳуқуқий давлат шароитида суд ҳокимияти фаолиятининг шаффофлиги ва фуқаролар учун очиклиги қонун устуворлигининг муҳим

кафолатларидан бири сифатида намоён бўлади. Айниқса, конституциявий назоратни амалга оширувчи орган — Конституциявий суд фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг сифат жиҳатидан янги босқичини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, Конституциявий суд ишларини юритиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган мазкур фармон суд фаолиятида очиклик ва шаффофликни янада ошириш, конституциявий одил судлов самарадорлигини юксалтириш ҳамда суд ишлари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Рақамлаштириш жараёнининг асосий мақсади Конституциявий суд фаолиятида шаффофликни ошириш, фуқаролар ва юридик шахслар учун судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш ҳамда суд ҳимояси самарадорлигини кучайтиришдан иборатдир. Шу муносабат билан 2026–2027 йилларга мўлжалланган рақамлаштириш дастури доирасида бир қатор устувор йўналишлар белгиланган. Яъни, суд иштирокчиларини Конституциявий суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида электрон тарзда хабардор қилиш тизимини жорий этиш назарда тутилган бўлиб, бу механизм суд жараёнларида хабардорлик даражасини ошириш ҳамда процессуал ҳуқуқларнинг самарали таъминланишига хизмат қилади. Суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида, шу жумладан, мобил иловалар орқали ўтказиш имкониятини яратиш орқали, айниқса, ҳудудий жиҳатдан узоқда жойлашган шахслар учун конституциявий одил судловдан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади.

Шунингдек, Конституциявий суд фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиклигини таъминлаш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларга интерактив хизматлар кўрсатувчи замонавий ахборот тизимларини жорий этиш режалаштирилган. Одил судловни амалга ошириш учун зарур маълумотларни ваколатли давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш амалиётининг йўлга қўйилиши фуқаролар ва юридик шахсларни ортиқча ҳужжатлар тўплаш заруратидан холос этади.

Бундан ташқари, суд мажлисларини аудиоёзув орқали қайд этиш ҳамда суд мажлиси баённомаларини автоматик тарзда шакллантириш имкониятининг жорий этилиши суд жараёнларининг ишончлилиги, шаффофлиги ва холислигини янада мустаҳкамлайди.

Фармонга мувофиқ, Конституциявий суд ахборот тизимини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича алоҳида

“йўл харитаси” тасдиқланади. Мазкур интеграция орқали жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, суд иш юритувчи учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар Конституциявий суднинг электрон сўрови асосида бепул тақдим этилади. Бу эса суд жараёнларининг самарадорлиги ва тезкорлигини оширади.

Конституциявий суд фаолиятига “Е-KSUD” ахборот тизими жорий этилиши орқали Конституциявий судга электрон шаклда мурожаат қилиш ҳамда мурожаатларни қўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш имконияти таъминланади. Шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларга интерактив хизматлар кўрсатиш орқали одил судловдан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратилади. Бундан ташқари, суд мажлисларини жонли эфирга узатиш имкониятининг жорий этилиши суд фаолиятида очиклик ва шаффофликни янада оширишга хизмат қилади.

Конституциявий суд ишларини юритиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш фуқаролар учун бир қатор қулайликларни яратади. Хусусан, Конституциявий судга мурожаат қилиш учун шахсан келиш, ортиқча ҳужжат тўплаш ёки кўп вақт сарфлаш зарурати бартараф этилади. Уларнинг ўрнига электрон мурожаат қилиш, иш қўриб чиқилиш жараёнини онлайн кузатиб бориш ҳамда видеоконференцалоқа орқали иштирок этиш имкониятлари жорий этилади.

Бундан ташқари, фуқаролар ва юридик шахслар турли идоралардан маълумот тўплаш билан овора бўлмайдилар, чунки зарур маълумотлар суднинг ўзи томонидан давлат органларидан электрон тарзда олинади. Бу эса ўз навбатида вақт ва молиявий харажатларни сезиларли даражада тежаш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Конституциявий суд иш юритувини янада такомиллаштириш, инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш ҳамда суд ишларини юритиш жараёнларини босқичма-босқич рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш Конституциявий суд фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Ж.БАЛКИБАЕВА,
К.ДАВЛЕТОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди судьялари.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Сенатор Хусан Эрматов соғлиқни сақлаш вазири Элдор Адиловга болаларни профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш ҳолати юзасидан сенатор сўрови юборганди. Мазкур сўровга жорий йилнинг 18 июнь кuni Олий Мажлис Сенатининг XV ялпи мажлисида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани)нинг 2025 йилда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги маърузасида келтирилган маълумотлар асос бўлганди.

Маърузада қайд этилишича, 2025 йилда мамлакатдаги 6,5 миллион нафар 7-18 ёшли мактаб ўқувчисининг 20 фоизи, 2,2 миллион нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчисининг эса атиги 15 фоизи профилактик тиббий кўриқдан ўтказилган.

Сенатор ушбу ҳолатни болалар саломатлиги, миллат генофонди, экологик муаммолар, эпидемиологик хавф-хатарлар ва ҳудудлардаги экологик оқламалар фонида жиддий масала сифатида баҳолаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, қатор саволларга вазирликдан атофлича ва асосли жавоб беришни сўраган.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари О. Имамов сенатор Хусан Эрматовнинг болаларни профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш ҳолати юзасидан йўллаган сўровига жавоб қайтарди.

Масъул жавобида мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларида болаларни тиббий кўриқдан ўтказишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар келтирилиб, уларда

СЕНАТОР БОЛАЛАРНИ ПРОФИЛАКТИК ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ БИЛАН ҚИЗИҚДИ

ХЎШ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ МАСЪУЛИ БУНГА ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРДИ?

белгиланган қоида ҳамда нормалар тилга олинади. Умумий ўрта таълим ташкилотлари ўқувчилари ва мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари тасдиқланган режага асосан йилда бир маротаба чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиши қайд этилади.

Рақамлардан маълум бўлишича, 2025 йилнинг сентябрь ойидан 2026 йилнинг 1 июнигача бўлган ўқув йили давомида 6 702 068 нафар ўқувчидан 6 538 779 нафари (98%) тиббий кўрик билан қамраб олинган. Касаллик аниқланган 1 576 267 нафар (24,1%) ўқувчи диспансер назоратга олиниб, яшаш манзили бўйича оилавий поликлиникаларга йўналтирилган, соғломлаштиришга жалб этилган.

Шунингдек, 2025 йил давомида мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 2 397 144 нафар 3–7 ёшгача болаларнинг 2 337 704 нафари (97,5 %) тиббий кўриқдан ўтказилган. Касаллик аниқланган 530 284 нафар (22,7%) тарбияланувчи диспансер назоратга олиниб, яшаш манзили бўйича оилавий поликлиникаларга йўналтирилиб, соғломлаштирилган.

Баён қилинишича, таълим муассасаларида болалар саломатлиги устидан мунтазам назорат ўрнатилган. Профилактик эмлаш ишлари календар асосида олиб борилади: 7 ёшли ўқувчиларда қоқшол, бўғма ва полиомиелитга қарши, 6

ёшлиларда қизамиқ, қизилча ва паротитга қарши эмлаш амалга оширилади.


1–4-синфларда гельминтознинг олдини олиш мақсадида йилига бир марта лаборатория текшируви ўтказилади. Қизлар ўртасида бачадон бўйни саратонининг олдини олиш бўйича папилломавирусга қарши вакцинация белгиланган талаблар асосида бажарилади. Педикулёз ва тери касалликларини эрта аниқлаш учун эрталабки фильтр-назорат кучайтирилган.

Бу тадбирлар тўғрисида ота-оналар хабардор қилинади ҳамда фаол жалб этилади.

Шу билан бирга таълим муассасаларидаги тиббиёт хоналарида бемор ўқувчиларнинг амбулатор қабули ташкил этилган.

Масъул жавобида республика умумтаълим мактабларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена талабларига риоя этилиши юзасидан жами 5 363 та режали ҳамда 1 462 та режадан ташқари текширув ўтказилгани ҳам таъкидланган.

Болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини таъминлаш юзасидан амалга оширилган назорат тадбирлари доирасида мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ошоналаридан тайёр таомлар, сабзавот маҳсулотлари ҳамда ичимлик сувидан жами 4 467 та намуна олинган бўлиб, уларнинг 123 таси белгиланган талабларга жавоб бермаган.



Текширувлар натижаларига кўра, таълим муассасаларида санитария қонунчилиги талабларининг бузилишига йўл қўйган масъул шахсларга нисбатан 3 325 та ҳолатда маъмурий чоралар (жарималар) қўлланилган. Шунингдек, 22 та мактаб фаолияти вақтинча тўхтатилган, 944 нафар ходим тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтмаганлиги сабабли вақтинча ишдан четлаштирилган. Бундан ташқари, истеъмор учун яроқсиз деб топилган 38 178 килограммдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари бракераж қилиниб, муомаладан чиқарилган.

Республика бўйича 10 206 та умумий ўрта таълим мактабида 6 702 68 нафар ўқувчи таълим олади. Мактаблар туман (шаҳар) кўп тармоқли

марказий поликлиникаларининг тасдиқланган штат меъёрлари асосида тиббиёт ходимлари билан бириктирилган. Уларда жами 7 615 нафар шифокор (шундан доимий 924 нафар, бириктирилган тартибда 6 691 нафар) ва 9100 нафар ўрта тиббиёт ходими (доимий 8 369, бириктирилган 1 731) фаолият юритади.

Бугунги кунда мактаб шифокори штати босқичма-босқич қисқартирилиб, ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш вазифалари яшаш жойидаги умумий амалиёт (оилавий) шифокори ва патронаж ҳамшираси зиммасига юклатилмоқда. Сенаторга йўлланган жавобда бундай ёндашув қандай муаммоларни келтириб чиқариши ҳам санаб ўтилган.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Эл'ржон САМИНОВ,
Барқарор ривожланиш маркази
директори.

XXI аср инсониятни яна бир тарихий бўрилиш нуқтасига олиб келди. Инсоният тарихи узлуксиз изланишлар ва кашфиётлар занжиридан иборат. Илк бор оловнинг кашф этилиши улкан инқилоб бўлган бўлса, буғ машинасининг ихтиро қилиниши sanoat цивилизациясига йўл очган. Рақамли инқилоб инсон тафаккури, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётни тубдан ўзгартирмоқда. Сунъий интеллект оддий технология эмас – у янги интеллектуал цивилизацияга эшик очаётган куч сифатида намоён бўлмоқда.

Бугун инсоният тарихидаги энг тез тарқалаётган технология айнан сунъий интеллект бўлиб қолмоқда. Ҳисоботларга кўра, СИ интернетдан ҳам тезроқ оммалашмоқда.

Сўнгги уч йил ичида дунё бўйича 1,2 миллиарддан ортиқ инсон СИ платформаларидан фойдалангани бу жараённинг қанчалик улкан кўламга чиққанини кўрсатади. Кечагина фантастика бўлиб туюлган технологиялар бугун кундалик ҳаётнинг оддий қисмига айланди.

Биз го'ят нозик ва масъулиятли даврга кириб келдик. Бу – инсон ўз ақлининг рақамли аксини яратаётган даврдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастури – United Nations Development Programme томонидан эълон қилинган "People and Possibilities in the Age of AI" ҳисоботида таъкидланганидек, инсоният нафақат технологиялар асрида, балки "инсоний салоҳиятнинг янги чегаралари" очилаётган замонда яшамоқда. Энди сунъий интеллект оддий дастур ёки техник восита эмас – у иқтисодиёт, сиёсат, таълим, тиббиёт ва ҳатто инсон тафаккури билан боғлиқ янги воқеликка айланди.

Кечагина фантастика бўлиб туюлган жараёнлар бугун ҳаёт ҳақиқати. Алгоритмлар матн ёзмоқда, инсон нутқини англамоқда, ташхис қўймоқда, таҳлил қилмоқда, ҳатто қарор қабул қилиш жараёнларига ҳам аралашмоқда. Бир пайтлар инсон фикри қозғога туширилган бўлса, бугун у кодга айланмоқда. Сиеҳ ўрнини маълумотлар, китоб ўрнини рақамли платформалар, архив ўрнини булуғли хотиралар эгалламоқда.

Аммо бу жараён фақат технология тараққиёти билан чекланмайди. У дунё иқтисодиёти ва геосиёсатини ҳам ўзгартирмоқда. United Nations Conference on Trade and Development прогнозларига кўра, 2033 йилга бориб СИ глобал бозори 4,8 триллион долларга етади. Бу Германия иқтисодиёти ҳажмига тенг кўрсаткичдир. Бугун АҚШ ва Хитой дунёдаги СИ ҳисоблаш қувватининг тахминан 86 фоизини назорат қилмоқда. Бу эса сунъий интеллект оддий

Сунъий интеллект инсон манфаатига хизмат қилиши керак



технология эмас, балки геосиёсий кучга айланаётганини англатади.

Аммо тараққиётнинг энг муҳим саволи ҳам айнан шу ерда туғилади: технология кимга хизмат қилади?

"Technology and Innovation Report 2025" ҳисоботида "Inclusive Artificial Intelligence for Development" – "Инклюзив сунъий интеллект" го'яси асосий тамойил сифатида илгари сурилади. Бу го'янинг моҳияти шундаки, сунъий интеллект фақат технологик гигантлар ёки бой давлатлар қўлидаги қурол бўлиб қолмаслиги керак. У дунёнинг энг чекка қишлоғига ҳам, имконияти чекланган инсонга ҳам, ривожланаётган мамлакатларга ҳам хизмат қилиши лозим.

Чунки келажакда бойлик нефть ёки олтин билан эмас, балки маълумот, инновация ва интеллектуал капитал билан ўлчанади.

Бугун дунё янги рақамли пойга ичида яшамоқда. Кимда кучли СИ инфратузилмаси, катта маълумотлар базаси ва рақамли кадрлар бўлса, эртанги иқтисодий устунлик ҳам ўша давлат қўлида бўлади. Ҳисоботларга кўра, келажакда давлатлар "сунъий интеллект яратувчилари" ва "сунъий интеллект истеъмолчилари"га бўлиниши мумкин.

Бу эса инсониятни яна бир хавф – рақамли тенгсизлик билан юзлаштирмоқда. Ҳозир дунёда қарийб 4 миллиард инсон СИ экотизимида тўлиқ иштирок эта олмайди. Сабаб – интернет, электр энергияси ва рақамли таълим имкониятларининг чекланганидир. Юқори даромадли давлатларда AI adoption даражаси 23 фоизни ташкил этаётган бўлса, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда бу кўрсаткич 13 фоиз атрофида қолмоқда. UNDP бу жараёни "The Next Great Divergence" – "Янги катта тафовут" деб атамоқда.

“

БУГУН ИНСОНИЯТ
ТАРИХИДАГИ ЭНГ
ТЕЗ ТАРҚАЛАЁТГАН
ТЕХНОЛОГИЯ АЙНАН
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ
БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.
ҲИСОБОТЛАРГА
КЎРА, СИ
ИНТЕРНЕТДАН
ҲАМ ТЕЗРОҚ
ОММАЛАШМОҚДА.

Ривожланган давлатларда алгоритмлар иқтисодиётни бошқараётган бир пайтда, айрим мамлакатларда ҳали ҳам интернетга тўлиқ кириш имкони чекланган. Айрим жойларда болалар робототехника ўрганаётган бўлса, бошқа ҳудудларда оддий рақамли саводхонлик ҳам муаммо бўлиб қолмоқда. Демак, XXI асрнинг янги ижтимоий муаммоси – технологияга тенг кириш имкониятидир.

Шу нуқтада инсоннинг ўзи ҳақидаги савол яна кун тартибига чиқади.

Сунъий интеллект ҳисоблайди. Аммо ҳис қила олмайди. У таҳлил қилади.

Аммо виждон азобини сезмайди. У ёзади. Аммо соғиниш нималигини билмайди.

Процессор қанчалик тез ишламасин, у она меҳрини, инсон дардини ёки ижодий илҳомни тўлиқ англай олмайди. Инсоннинг тақдорланмаслиги ҳам ана шунда – унинг маънавиятида.

Шу боис БМТ ҳисоботларида рақамли ривожланиш масаласи инсон капитали билан чамбарчас боғланади. Асосий масала инсонни машина билан алмаштириш эмас, балки инсон имкониятларини кенгайтиришдир. Машина ҳисоблайди, инсон эса маъно беради.

Ҳақиқат шундаки, сунъий интеллект миллионлаб иш ўринларини ўзгартириши мумкин. Айрим касблар йўқолади, янги соҳалар пайдо бўлади. UNDP тадқиқотларига кўра, дунё аҳолисининг қарийб ярми ўз иши автоматлаштириш мумкин деб ҳисоблайди. Бироқ 60 фоиз инсон СИ янги иш ўринлари яратади деб ишонади. Фақат 13 фоиз одамгина СИ ишсизлиқни қучайтириши мумкинлигидан хавотир билдирган. Бу эса инсоният СИни рақиб эмас, балки имконият сифатида қабул қила бошлаганини кўрсатади.

Энди дунёга жисмоний меҳнатдан кўра аналитик фикрлаш, рақамли саводхонлик ва ижодий тафаккур керак бўлади. XXI асрнинг энг қиммат бойлиги — билимдир.

СИ айниқса, таълим ва тиббиёт соҳасида мисли кўрилмаган имкониятлар яратмоқда. Марказий Осиё учун ҳам бу жараён го'ят муҳим аҳамиятга эга. Чунки келажак иқтисодиёти табиий ресурсларга эмас, балки технология ва интеллектга таянади. Университетларда СИ, data science ва киберхавфсизлиқни ўқитиш – эртанги тараққиётга инвестициядир. Давлат бошқарувини рақамлаштириш эса шаффофлик ва самарадорликни оширади.

Бирок технология тараққиёти инсон қадриятидан устун келмаслиги шарт.

Чунки агар сунъий интеллект адолатсизлиқни қучайтирса, инсонни назорат объектига айлантирса ёки рақамли мустамлакачиликка хизмат қилса, тараққиёт маънавий инқирозга айланиши мумкин.

Инсоният бугун тарихий танлов олдида турибди: келажакни алгоритмлар белгилайдими ёки инсон тафаккури?

Жавоб эса оддий, аммо масъулиятли: технологияни ким бошқарса, келажакни ҳам ўша яратади.

Шунинг учун бугунги энг катта вазифа – сунъий интеллектни инсон манфаатига хизмат қилдиришдир. Келажак инсон ва машина рақобатида эмас, балки уларнинг уйғунлигида. Чунки технологиянинг ҳақиқий қиймати унинг қудратида эмас, балки инсониятга қанчалик фойда келтиришидадир.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

БОҒЧА ЎЗ ВАҚТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛИШИ КЕРАК

Янги замон шарофати билан халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксак босқичга кўтарилди. Барча жабҳаларда ўсш, ривожланиш ва тараққиётни кузатиш мумкин. Айниқса, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган тарихий ислохотлар таҳсинга сазовор. Бу борада мамлакатимиз жанубида жойлашган Узун туманида ҳам ўзига хос янгиланишлар рўй бераётгани қувонарли.

Мамлакатимиз сарҳадида жойлашган ҳудудда 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Юртдошларимизнинг 30 фоиздан ортиғи ёки 60 минг нафардан зиёдини истиклол фарзандлари ташкил қилади. Жойларда 33 та давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 71 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда қатор янги масканлар фойдаланишга топширилган бўлса, айримлари қайта таъмирланди. Капитал реконструкция қилинганлари ҳам талайгина. Бу миллат келажаги бўлган давомчиларимизнинг эртанги кунини учун мустаҳкам пойдевор бўлаётгани табиий.

– Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимиз

томонидан қатор қарор ва фармонлар қабул қилингани айти мурда бўлмоқда, – дейди **Ўзбекистон ХДП Узун туман кенгаши раиси Ибодулло Мусурмонов**. – Соҳадаги ислохотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бир қаторда сиёсий партиялар ҳам фаоллик кўрсатишлари лозим. Шунга асосан Ўзбекистон ХДП Узун туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Шўҳрат Раҳмонов, халқ депутатлари Узун туман Кенгаши котибият мудири Ўктам Ражабов ҳамда тегишли ташкилотлар масъулари "Чақар" маҳалласида жойлашган 11-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига бўлишди.

90 ўринга мўлжалланган боғчадаги қурилиш ва бунёдкорликлар атрофлича кўздан кечирилди. Техника хавфсизлигига қатъий риоя қилиш ҳамда сифат самарадорлигига эришиш устувор вазифа эканлиги таъкидланди. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди. Пудратчи ташкилот – "Сурхон Нурафшон" масъулияти чекланган жамияти қурувчиларига иншоотни ўз вақтида фойдаланишга топшириш



юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

– Ҳозирги кунда вилоятда 1 минг 800 дан ортиқ қурилиш фирмалари фаолият кўрсатмоқда, – дейди халқ депутатлари Узун туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Шўҳрат Раҳмонов. – Қисқа даврда жойларда 23 та янги мактаб қурилган бўлса, 564 таси капитал ва мукаммал таъмирланди. Қарийб 130 га яқин таълим муассасаси атрофи девор билан ўралиб, 20 та янги спорт зали фойдаланишга топширилди. 500 дан ортиқ масканга замонавий мебель ва жиҳоз келтирилгани эса янада қувонарли. Бу борадаги эзгу амаллар барча манзилларда изчил давом этаётгани таҳсинга сазовор.

– Муаммоларни бартараф этишда, аввало, ўзимиз ўрناк бўлишимиз керак, – давом этади Ибодулло Мусурмонов. – Бунинг учун электротартиб қувонч ва ташвишлари билан яшаш талаб қилинади. Ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиш сиёсий куч

вакилларининг фаолият мезонига айланиши лозим.

Тўғри, халқ вакиллари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, коммунал хизматлардаги камчиликларни бартараф қилиш, янги иш жойлари яратиш долзарблигига қолмоқда. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, тиббий маданиятни юксалтириш, электр энергияси таъминотидаги узилишларга чек қўйиш, автомобиллар учун вақтинчалик турар жойлар қуриш давр талабидир. Ана шундай муаммолар бартараф этилса, албатта, қўзланган эзгу мақсадларга тезроқ эришамиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.



АНЖУМАН

ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ЁШ КИМЁГАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРАДИ



Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илм-фан соҳасидаги салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда халқаро фан олимпиадаларига тизимли тайёрлаш ишлари жадаллашмоқда. Ўзбекистон халқаро фан олимпиадаларида юқори натижаларни қайд этаётган давлатлар сирасида эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Миллий матбуот марказида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан халқаро фан олимпиадаларида эришилган ютуқлар ва юртимизда ўтказиладиган мана шундай йирик тадбирларга тайёргарлик жараёнларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Таъкидланганидек, 1997-2015 йиллада математика, физика, кимё, биология ва информатика бўйича нуфузли халқаро олимпиадаларда жами 49 та медаль қўлга киритилган бўлса, 2016-2025 йилларда бу кўрсаткич 78 тага етди, энг муҳими, олтин медаллар сони сезиларли ошди.

2019 йилдан бошлаб иқтидорли ёшларни аниқлаш ва тайёрлашнинг янги тизими жорий этилиши натижасида халқаро илм-фан майдонида Ўзбекистон номи юқори ўринларда эътироф этилмоқда. - 2023 йилда ўқувчи-ёшларимиз тарихий натижага эришиб, асосий халқаро фан олимпиадаларида 13 та медални қўлга киритди, – дейди Фан олимпиадалари маркази директори Турабой Шерматов. – 2024 йилда эса натижалар янада яхшиланиб, халқаро ва минтақавий олимпиадаларда 120 дан ортиқ медаль қўлга киритилди. Президентнинг 2024 йил 30 сентябрда қабул қилинган қарори асосида ташкил этилган Фан олимпиадалари маркази қисқа вақт ичида халқаро олимпиадаларга тайёрлашнинг замонавий тизимини йўлга қўйди. Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий тренерлар иштирокида кучайтирилган ўқув-машғулотлари ташкил этилмоқда, халқаро олимпиадаларда иштирок этиш имконияти эса 22 тадан 29 тагача кенгайтирилди. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро фан


олимпиадаларининг фаол мезбонига ҳам айланмоқда. Эътиборли жиҳати, 2026 йилда мамлакатимизда 8 та халқаро ва минтақавий олимпиада ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг учтаси муваффақиятли ташкил этилди. Наманган вилоятида ўтказилган II Абу Али ибн Сино номидаги халқаро биология олимпиадасида 12 давлатдан 94 нафар ўқувчи қатнашди. Унда ўзбекистонлик ёшлар терма жамоаси 11 та медалга сазовор бўлди. Тошкент шаҳрида илк бор ўтказилган "Буюк Шарқ Ренессанси" халқаро олимпиадасида Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида мутлақ ғолиб бўлди. Шу билан бирга, Ал-Хоразмий номидаги халқаро математика ва информатика олимпиадасида 23 давлатдан 221 нафар иштирокчи қатнашди ва ўзбекистонлик ўқувчилар 57 та медални қўлга киритди. Бу натижалар мамлакатимизнинг халқаро илмий ҳамжамиятдаги нуфузини янада мустаҳкамламоқда. Яна бир муҳим янгилик. 10-19 июль кунлари Тошкент шаҳрида 58-Халқаро кимё олимпиадаси бўлиб ўтади. Мазкур олимпиада дунёнинг энг нуфузли фан мусобақаларидан бири бўлиб, унда 95 дан ортиқ давлат делегацияларининг иштироки кутилмоқда. Олимпиада доирасида 371 нафар ўқувчи, 185 нафар жамоа раҳбари, ўнлаб халқаро экспертлар, кузатувчилар ва меҳмонлар мамлакатимизга ташриф буюради. Назарий босқич «Central Asian Expo Uzbekistan» мажмуасида, амалий босқич эса Ўзбекистон Миллий университетининг замонавий талабларга мос равишда реконструкция қилинган кимё факультети лабораторияларида ўтказилади. Бугунги кунга қадар халқаро олимпиадага тайёргарликнинг барча асосий йўналишлари бўйича кенг қўламли ишлар якунланди. Илмий ва ташкилий қўмиталар шакллантирилди, халқаро платформалар ишга туширилди, лабораториялар тўлиқ жиҳозланди, меҳмонхоналар, транспорт, экскурсиялар, волонтерлар фаолияти ва барча ташкилий масалалар бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилди. Шунингдек, ҳозирда рўйхатдан ўтиш платформаси орқали юзлаб иштирокчилар рўйхатдан ўтган бўлиб, аксарият делегациялар Ўзбекистонга ташрифини тасдиқлаган.

Ўз мухбиримиз.

СПОРТ

Футбол: БЕҲРУЗ КАРИМОВГА “ЛАНС” КЛУБИ ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

Хориж оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Ўзбекистон миллий жамоаси сафида жаҳон чемпионатида иштирок этган иқтидорли футболчимиз Беҳруз Каримов ўзининг ишончли ҳаракатлари билан 7 та хориж клуби эътиборини тортган. Ўзбекистонлик 18 ёшли ўнг қанот ҳимоячиси Беҳруз Каримов эндиликда фаолиятини Франциянинг “Ланс” клубида давом эттириши мумкин.



– Мен учун энг муҳими, мунтазам ўйин амалиётига эга бўлиш, – дейди Беҳруз Каримов ўзига билдирилаётган қизиқишлар фонида. – Хориж чемпионатида ўзимни кўрсатиб, тажриба тўплаш ва шундан сўнггина Европанинг номдор гранд клубларидан бирига ўтишни мақсад қилганман.

Шахмат: ЖАВОҲИР СИНДОРОВ АҚШДАГИ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ҒОЛИБ БЎЛДИ

АҚШнинг Шимолий Каролина штатидаги Шарлотт шаҳрида ўтказилган “Naroditsky Memorial Rapid & Blitz” мусобақасининг рапид йўналишида ғолибликка эришган Синдоров нуфузли мусобақанинг блиц баҳсларида ҳам муваффақиятга эришди.



Жорий йилги жаҳон шахмат тожи учун амалдаги жаҳон чемпиони ҳиндистонлик Гукеш Доммараджуга қарши баҳсга ҳозирлик кўраётган ўзбекистонлик гроссмейстер Жавоҳир Синдоров блиц мусобақаларида 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, чемпионликни қўлга киритди. Сўнгги турда рейтингда ўзидан юқорида турган америкалик Ҳикару Накамура билан дурангга имзо чекди. Блиц баҳсларидаги чемпионлик эвазига Синдоров 6 минг АҚШ доллари миқдоридagi бош мукофотга эга чикди. Ушбу мусобақада қатнашган яна бир ўзбекистонлик шахматчи Муҳиддин Мадаминов 4,5 очко билан 6-ўринни эгаллади.

Бокс: ЯНГИЛАНГАН РЕЙТИНГДА 8 НАФАР ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИМИЗ ЎРИН ОЛГАН

Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) профессионал боксчиларнинг июнь ойи якунларига кўра янгиланган рейтингни эълон қилди. Янги рейтингдан Ўзбекистоннинг саккиз нафар боксчиси ўрин олган. Улардан икки нафари – Бектемир Мелиқўзиев ва Муҳаммад Шехов ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Муроджон Аҳмадалиев биринчи ярим энгил вазнда учинчи поғонадан жой олган. Ҳасанбой Дўсматов минимал вазн тоифасида олтинчи ўринга лойиқ топилган.



Ярим энгил вазнда Отабек Холматов саккизинчи ўринни банд қилган бўлса, энгил вазнда Сирочбек Исмоилов ўн учинчи поғонадан ўрин олган. Ярим ўрта вазн тоифасида Шахрам Ғиёсов саккизинчи ўринни сақлаб қолган. Супер ярим ўрта вазнда эса Исроил Мадримов еттинчи поғонани банд қилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ҲАМКОРИМИЗ

Миллий матбуот марказида Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан “Инновациялар амалда: ОКМК фаолиятида сунъий интеллект имкониятлари” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда ушбу йирик корхона масъуллари рақамли трансформация, инновацион ечимларни ишлаб чиқариш жараёнларига кенг жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар борасида батафсил маълумот берди.

– Президентимизнинг 2026 йил 16 март куни ОКМКга ташрифи давомида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Олмалиқ КМК" АЖ 3-мис бойитиш фабрикаси директорининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари Одил Файзуллаев. – Хусусан, комбинат таркибида сунъий интеллектни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими ташкил этилди ва ОКМК халқаро "AI Alliance" ташкilotига аъзо бўлди. Бундан ташқари, комбинатимизда маъдан қазиб олишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқичларга рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ечимларининг жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда меҳнат хавфсизлигини сезиларли даражада оширмоқда. Ҳозирга қадар 80 йиллик геологик ва маркшейдерлик маълумотлари рақамлаштирилиб, карьернинг 3D модели яратилди ҳамда захиралар қайта баҳоланди. Бу эса қазиб олиш ишларини режалаштириш аниқлигини ошириш имконини берди. Шунингдек, "Қалмоққир" ва "Ёшлик-1" конларида маъдан ўлчамларини назорат қилиш ҳамда ҳайдовчилар чарчоғини кузатиш тизимлари ишга туширилди. Комбинат мутахассислари томонидан яратилган дастурлар бугунги кунда геологик жараёнларга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Мазкур янги авлод интеллектуал

ОКМК: СИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



тизими транспорт техника воситаларига хизмат кўрсатишда анъанавий ёндашувдан башоратли бошқарув моделига ўтишни таъминлайди. Ушбу дастурлар техниканинг интеллектуал диагностикаси, бузилишларни башоратли таҳлил қилиш ва прогноزلаш, лаборатория жараёнларини рақамлаштириш, техника ва агрегатларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда маълумотлар асосида ресурсларни, яъни мойлар, шиналар ва узелларни самарали бошқаришда ғоятда кўл келмоқда. Анжуманда кадрлар ҳисоби ва иш ҳақини ҳисоблаш жараёнлари "1С: ЗУП" тизими орқали тўлиқ автоматлаштирилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Ходимлар учун ички ҳужжатлар бўйича тезкор қидирув ва маслаҳат берувчи корпоратив "СИ"-ёрдамчи фаолият юритаётгани таъкидланди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг барча кон транспорт воситалари ақлли камералар ва датчиклар билан жиҳозлангани ҳамда сунъий интеллект ёрдамида маъдан таркиби карьернинг ўзида таҳлил қилиниб, экскаватор ковши тишлари ҳамда ҳайдовчиларнинг чарчоқ ҳолати реал вақт режимида назорат қилинмоқда. Эътиборли жиҳати, шиналардаги босим датчиклари эса ёқилги сарфини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Қолаверса, "Олмалиқ КМК" АЖ тасарруфидаги завод ва фабрикаларнинг виртуал нусхалари яратилган. Эндиликда 1-, 2-, 3-мис бойитиш фабрикалари ҳамда Мис эритиш заводидаги барча жараёнларни Ситуацион марказ экранлари орқали кузатиш мумкин. Мазкур тизим ускуналар сабабсиз тўхтаб қолишининг олдини олиш, ҳар қандай носозликни тезкор аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда. Тадбирда ҳозирги кунда яна 30 га яқин сунъий интеллект лойиҳаси устида фаол иш олиб борилаётгани айтилди. Хусусан, геологик маълумотларни таҳлил қилиш асосида бургилаш ва портлатиш ишлари оптималлаштирилиб, портловчи материаллар сарфини камайтиришга эришилмоқда. Шунингдек, темирйўл инфратузилмасини мониторинг қилиш тизими жорий этилиб, у йўлдаги носозликларни автоматик аниқлаш ва эҳтимолий аварияларни олдиндан прогноз қилишда асқотаётди. Мис бойитиш фабрикаларида эса "Machine Vision (Flotation AI)" технологияси ёрдамида пуфакчаларнинг ўлчами, тезлиги ва ранги асосида реагентлар қўшиш жараёни сунъий интеллект томонидан автоматик бошқарилмоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган рақамли тизимларнинг 16 тасига муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси олинган.

Тадбир якунида урғу берилдики, келгусида комбинатнинг ягона рақамли экотизимини шакллантириш ва сунъий интеллект технологияларини бошқарувнинг барча босқичларига кенг татбиқ қилиш жараёни изчил давом эттирилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, “Ўзбекистон овози” мухбири.

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

ТАНРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV